



Сўнгги пайтлари Чингизхон шахсига нисбатан бўлган кизиқиш яна кучайди. Унинг ҳаёти ва ижтимоий фаолиятини акс эттирувчи илмий, тарихий ва бадиий асарлар ёзилиб, кинофилмлар ишланди. Катор илмий-амалий анжуманлар ўтказилиб, жуда кўп китоблар нашр этилди. Айрим мамлакатларда кафелар, ресторанлар, корхоналар, жамоатчилик марказлари унинг номи билан атала бошланди. Козогистон республикасида “Чингизхон” номли сигаретани ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ушбу сигаретанинг олд ва ён томонларига мана бундай сўзлар битилган: “Эти уникальные сигареты высшего качества, обладающие превосходным вкусом, сделаны из элитных сортов табака для свободных и гордых людей, живущих в Казахстане — потомков Великой империи Чингисхана, простиравшейся от Черного моря до Тихого океана”.

Тижоратни сиёсатга айлантирувчи бундай уринишлар халқлар ўртасидаги дўстлик гоёларига зарар келтиради ва умуман яхшиликка олиб бормади.

Мўғулистон республикаси пойтахти Улан Баторда умумий киймати ўн тўққиз миллион долларни ташкил этувчи хайкални тиклаш ишлари бошланиб кетган. Шу билан бирга, Мўғулистонда ва Марказий Осиёдаги айрим мамлакатларда Чингизхоннинг сунъий қабрлари тикланиб, ҳашаматли макбаралар қурилмоқда. Макбаралар пештокига “Чингизхон — туркий халқлар раҳнамоси” деган шиорлар ёзиб қўйилмоқда.

Тўғри, тарихий шахслар ҳаёти, уларнинг тарих саҳнасида тутган ўрни, мавқеи ҳақида илмий мақолалар битилиши, бадиий асарлар ёзилиши, филмлар ишланиши исбот талаб этилмайдиган ҳақиқат. Демокчимизки, ўтмиш ҳақиқатларини бузиш, уни сохта, гайриилмий тушунчалар билан бўяб-бежаб талқин этиш тарихни сохталаштиришга олиб келади.

Бу ерда гап Чингизхон шахсини асоссиз равишда макташ, уни қўқларга қўтариш, идеаллаштириш хусусида бормокда.

Тарихий шахслар ҳақида бир томонлама қарашлар, ноилмий, сохта фикр юритишлар оддий ҳаваскор тарихчилар томонидан айтилса, бу ҳақда махсус сўз юритиб ўтиришнинг ҳожати бўлмас эди. Афсуски, Чингизхон шахсини ҳар қандай камчиликлардан холи саркарда, идеал давлат арбоби, туркий халқларнинг раҳнамоси, миллий-озодлик ҳаракатларининг йўлбошчиси сифатида мактаётганлар орасида таникли давлат ва жамоат ҳамда фан арбобларини ҳам учратамиз.

“Киргиз давлатчилиги ва халқ эпоси “Манас” китобида Чингизхоннинг ижтимоий-сиёсий фаолияти тўғрисида батафсил сўз юритилади. Муаллифнинг фикрича, “Чингизхон

боскини” деган иборани ўйлаб ишлатиш керак, негаки, “унинг боскинчилиги хусусида тўкилган романтик карашлар шунчаки бир мифдир”.

Козок олими Калибек Дониёровнинг “Чингизхон тарихи” китобида куйидаги сатрлар билан танишамиз. “Чингизхон, — деб ёзади у, — келиб чиқиши жихатидан наинки туркий, балки козок хамдир, тўгрироги, у козок давлатининг асосчисидир”.

Шунга ўхшаш гайриилмий фикрларни Керейхон Амонжўловнинг “Туркий халкларнинг тарихи” китобида ҳам учратиш мумкин.

Энди таникли козок ёзувчиси, “Юлдуз” журналининг бош муҳаррири Мухтор Магауннинг “Чингизхоннинг шарофати” номли маколasi хусусида тўхталиб ўтайлик. Макола бошдан-оёқ Чингизхон шахсини улуглаш, макташ, кўкларга кўтариш руҳи билан сугорилган. “Козок халқининг асл халқ сифатида сакланиб қолиши, — деб ёзади муаллиф, — Чингизхоннинг саъй-ҳаракатлари туфайли рўй берган. Агар Чингизхон кўшинлари Хоразмшоҳ кўшинларини тор-мор қилиб, мажаклаб ташламаганида, козок халқи бир умр куллик занжирида қолиб кетар эди”.

Ушбу сатрлар билан танишган ўқувчининг хайратдан ёқа ушламаслиги иложсиз. Негаки, муаллиф Чингизхон навкарларининг Ўтрор сингари шаҳар ва қишлоқларни ёндириб, теп-текис қилгани, бегуноҳ аёллар, болалар, қарияларни қириб битирганини билиб-билмасликка олади.

Холбуки, Чингизхон етакчилигидаги шафқатсиз кўшинлар Эрон ва Ўрта Осиёдаги мингйиллик мухташам, обод шаҳарларни вайрон қилиб, култепаларга айлантирган. Амударёга тўгон қуриб, гўзал Урганч шаҳрини сувга бостирган. Бир ҳафта давомида дарёда чакалоклар йиғлаётган бешиклар, гўдак болалар, чоллар, кампирлар, мажруҳ касаллар оқиб турган. Марв шаҳрини Чингизхон кўшинлари ишғол қилганларида жангда ўлдирилганларни ўн уч кун давомида йиғиб олганлар.

Шу муносабат билан айтиб ўтиш лозимки, тарихий манбаларда Чингизхон халқ озодлик ҳаракатининг раҳнамоси эмаслиги, аксинча, у асоратга солган халқлар унга қарши миллий-озодлик ҳаракатларини олиб борганликлари ҳам қайд этилган. Бу ҳақда Мирзо Улугбек, Шаҳобиддин Насавий, Ибн ал-Асир, Ибн Батута асарларида кенг ва муфассал маълумотлар берилган.

Академик А.Т.Фоменко ва тарихчи Л.Гумилев ҳам Чингизхоннинг ижобий ишлари хусусида фикр юрита туриб, унинг олий ирққа мансублиги, буюк саркарда, бағрикенг инсон эканлиги ва славянлар билан қатишиб, қон-қариндош бўлиб кетганлигини фахр билан тилга оладилар.

Савол тугилади: хўш, Чингизхоннинг ижобий ишлари нималардан иборат? Нега айрим муаллифлар нуқул унинг қамчиликларини ҳаспўшлаш билан шугулланадилар. Бу шунчаки шахсий қарашми ёки тор миллий манфаатлар нуқтаи назаридан айтилган енгил-елпи фикрларми?

Чингизхонни улугловчи муаллифлар уни “халқ озодлик ҳаракатининг раҳнамоси” сифатида ҳам таъриф қилар эканлар, ўз фикрлари, қарашларини “Чингизхоннинг ҳаёт йўли”, “Олтин шажара”, “Ясо” китоблари асосида исбот қилишга уринадилар. Лекин уларнинг ҳеч бири бу китобларнинг муаллифлари қимлар бўлган, қимларнинг манфаатларига мослаб ёзилганлиги ҳақида чурқ ҳам этмайдилар. Аксинча, Чингизхон ва унинг авлодлари Темур Малик, Жалолиддин, Маҳмуд Торобий етакчилигидаги миллий-озодлик ҳаракатларини шафқатсизларча қонга ботирган.

Чингизхон истилоси ҳақида ёзилган Рашидиддиннинг “Жоме ут-таворих”, Ибн ал-Асирнинг “Тарих ал-қомил”, Мирзо Улугбекнинг “Тўрт улус тарихи”, Абулғозининг

“Шажараи турк”, Евгений Кичановнинг “Жизнь Тимучжина, думающего покорить мир” асарларида ва бошқа кўпгина китобларда мўғуллар боскини, вайрон бўлган сон-саноксиз эллар, юртлар ҳаёти ҳаққоний тасвирланган.

Мирзо Улугбекнинг “Тўрт улус тарихи” асарида ёзилишича, “Рабиюлаввал оий охирлари сана 607, мувофиқи йилон йили ул уч нафар нахс юлдузли кофир ўттиз минг киёматасар лашкар билан қайси шаҳарга дучор бўлмасинлар, ўша шаҳар халқини қаҳр-ғазаб билан даҳр тупроғига баробар қилдилар. Жайхун дарёсидан ўтиб, Балхга яқинлашганларидан кейин, Хуросоннинг баъзи вилоятларини, Ирок, Озарбойжон ва Ширвоннинг аксар шаҳарларини азоб-уқубатларга гирифтор қилдилар”. “Улар ҳеч қимми аямас эдилар, — деб ҳикоя қилади ўша қонли воқеаларнинг гувоҳи бўлган араб сайёҳи ва тарихчиси Ибн ал-Асир, — аёлларни, қарияларни, болаларни қатл этдилар. Орқада бирон шаҳарни қолдирмай, ер билан текислаб ўтар эдилар”.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Чингизхон қўшинларининг ҳужуми туфайли ер юзидаги бир мингдан ортиқ шаҳар аҳолиси қирилиб, ер билан яқсон қилинган, сугориш тармоқлари издан чиқарилган, маданият ўчоқлари бутунлай йўқ қилинган. Сўнгги пайтлари тарихчилар Чингизхон босқинининг қенг илмий жамоатчилиққа маълум бўлмаган айрим қирраларини очишга муваффақ бўлмоқдалар.

Шу жиҳатдан Р.Раҳмоналиевнинг “Турклар салтанати” деб номланган илмий-тадқиқоти ибратлидир. Ушбу асарда кўпгина архив материаллари қатори генерал-лейтенант, профессор М.И.Иванининг 1842 йили Русия армия бош штабида “О военном искусстве и завоеваниях монголо-татар и среднеазиатских народов при Чингизхане” деб номланган доклады тилга олинган. Маълумки, бу доклад матни узок йиллар мобайнида махфий сақлаб қелинган. Докладда тилга олинган, Чингизхоннинг Ўтрорга юборган савдогарлари қалъа ҳокими Қайрхон одамлари томонидан эмас, балки, атайлаб уруш чиқариш учун мўғул айғокчилари томонидан ўлдирилганлиги бир қанча далиллар асосида исбот этилган. Аммо бу ҳали ўзил-қесил тарихий ҳақиқат дегани эмас, албатта. Хулоса сифатида шуни айтмоқчимизки, тарих ўтмиш ва келажак кўзгуси, бинобарин, уни шахсий қарашлар ёки тор миллий манфаатлар нуқтаи назаридан талқин этиш тарих илмини сохталаштиришга олиб қелади.

**Пирмат Шермухамедов,
Профессор**